

■ «Кексаларнинг фаровон ҳаёти учун масъулмиз» лойиҳаси доирасида ўтказилган тадбирлар таҳлили Тошкент вилояти мисолида



Президентимиз таъкидлаганидай, бугунги таҳликали, тез ўзгараётган замонда Қуролли Кучларимиз сафини соғлом, матонатли, кенг тафаккурли ёшлар билан мустаҳкамлашимиз, халқимизни уларнинг фаолиятидан мунтазам хабардор қилиб боришимиз керак.

## ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрдаги «Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ижроси доирасида жойларда «Камолот» уйлари барпо этилиб, ёш оилалар ихтиёрига берилмоқда.

## Зарафшонда ёшларга «Камолот» уйлари топширилди



Мазкур қарорлар ижроси юзасидан Навоий вилоятининг Зарафшон, Қизилтепа ва Кармана туманларида «Камолот» уйлари қуриш бошлаб юборилган эди. Яқинда Зарафшон шаҳридаги уларнинг қалитлари ўз эгаларига топширилди.

— Президентимиз раҳнамолигида истиқлолнинг илк кунларида ноқ ёшлар масаласига Давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қаралиб, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб турмуш шароитини яратишга алоҳида эътибор берилмоқда, — дейди «Камолот» ЁИХ Зарафшон шаҳар Кенгаши раиси Учкун Бобоев. — Ушбу барча қулайликларга эга 64 хонадондан иборат 2-3 хонали уйлarning имтиёзли кредит асосида, бошланғич тўловларсиз берилаётгани эса ёш оилаларнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамламоқда.

— Бугун ҳаётимиздаги энг бахтли кунлардан бири бўлди, — дейди янги хонадон соҳибаси Дилнавоз Носирова. — Ўз уйига эга қишининг кўнгли хотиржам бўлади, ишлари ўнгидан келади. Хонадонимиз кенг, ёруғ ва шинам бўлиш билан бирга барча қулайликларни ўзида мужассам этган. Мана шундай ғамхўрлик учун Президентимиздан миннатдоримиз.

Қисқа фурсатда қад ростлаган ушбу уй атрофи ободонлаштирилиб, гулзорга айлантирилди. Бундан ташқари, болалар учун спорт майдончаси ҳам қуриб битказилди.

Илҳом САТТОРОВ,  
«Ўзбекистон овози»  
мухбири.

## МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА

# Аҳоли сифатли дори-дармон билан таъминланмоқда

«Дори-дармон» акциядорлик компанияси томонидан аҳолини сифатли дори-дармон воситалари билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.


— Бугунги кунда Президентимиз раҳнамолигида фармацевтика саноатини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар ўзининг юксак самарасини бермоқда, — дейди «Дори-дармон» акциядорлик компанияси раиси Абдуғани Комилов. — Ҳозирда компаниямиз таркибида 8 акциядорлик жамияти, 10 шўъба корхонаси, 17 дорилар омборхонаси, 15 назорат-таҳлил лабораторияси, 1328 дорихона аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Ушбу дорихоналарнинг 76 фоиздан ортиги қишлоқларда жойлашган. Бундан ташқари, амбулаторияда даволанишда дори воситалари билан имтиёзли таъминлаш ҳуқуқига эга бўлган шахслар тоифалари рўйхати Вазиirlар Маҳкамасининг 2013 йил 22 июлдаги 204-сонли қарори билан белгиланган. Улар онкологик, сил, мохов, руҳий, ОИВ, эндокринологик касалликларга (қандили ва қандсиз диабетга) чалинганлар, юрак клапанини протезлаш ва органларни кўчириш юзасидан операция қилинган шахслар, ўзгалар парваршига муҳтож ёлғиз пенсияерлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек, уларга тенглаштирилган шахслар, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти қатнашчилари, Чеченбия АЭСдаги ҳалокат оқибатларини тугатишда

қатнашган ногирон шахслар, ҳарбий хизматни ядро полигонлари ва бошқа радиация-ядро объектларида ўтаган пенсия ёшидаги шахслардир. Шунингдек, Адлия вазирлигининг 2013 йил 13 ноябрда 2522-рақам билан рўйхатга олинган Солиқни сақлаш ва Молия вазирликларининг қўшма қарори ҳамда мазкур қарорга 2015 йил 30 апрелда 2522-1-рақам билан Адлия вазирлигининг рўйхатга олинган қўшимча ва ўзгартиришларга асосан амбулаторияда даволанишда имтиёзга эга бўлган бемор-

**Тошкент шаҳрида умумий майдони 6,5 минг квадрат метрлик халқаро стандартларга тўла мос келадиган фармацевтика омбори қурилиб, ишга туширилди.**

ларга бериладиган дори воситалари рўйхати белгиланган. Ушбу рўйхатга 151 халқаро номдаги дори воситалари киритилган бўлиб, ушбу дори воситалари шифокор рецепти асосида бепул берилади.

Яна муҳим янгилик сифатида шуни айтиш мумкин, компаниямиз дори



воситаларини сақлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Барча омборхоналар ҳамда дорихоналар кондиционерлар ва музлатгичлар билан таъминланган. Ҳозирда мавжуд бўлган омборхоналар билан бир қаторда Тошкент шаҳрида умумий майдони 6,5 минг квадрат метрлик халқаро стандартларга тўла мос келадиган фармацевтика омбори қурилиб, ишга туширилди. Мазкур омборхонага 2015 йилнинг 7 апрелида «CERT INTERNATIONAL» сертификатлаш органи томонидан халқаро GDP (яхши дистрибьютерлик амалиёти) стандартига мувофиқлиги ҳақида сертификат берилди. Шунингдек, Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида умумий майдони 4,0 минг квадрат метрлик логистика маркази қуриб битказилди.

Хусусан, компания корхоналари томонидан 14 маҳсулус жиҳозланган «ISUZU» русумли изотермик автофургонлар, 50 «Damas» автомобиллари чекка ҳудудлардаги аҳолига дори-дармон ет-

казиб бермоқда. Улар томонидан жорий йилнинг биринчи чорагида қиймати 1 миллиард 82,6 миллион сўмлик дори воситалари ва тиббиёт буюмлари савдоси амалга оширилди.

Анжуманда компания тизимидаги дорихоналарда кенг ассортиментда, яъни квадрат метрлик халқаро дори-дармон воситаларининг доимий мавжудлиги ва бюджет ташкилотларига ўз вақтида етказиб берилаётгани таъкидланди.

Компания бугунги кунда республикамиздаги фармацевтика корхоналари ва 100 дан ортиқ етакчи хорижий фирмалар билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва импорт ўрнини қоплаш юзасидан ҳукумат дастури ижросини таъминлаш мақсадида компания Республика кооперация биржасида мунтазам иштирок этиб келмоқда. Биржа доирасида тузилган шартномалар бўйича 2013 йилда 36,7 миллиард сўмлик, 2014 йилда 45,5 миллиард

сўмлик, жорий йилнинг биринчи чорагида 13,0 миллиард сўмлик маҳсулотлар харид қилинди.

«Дори-дармон» акциядорлик компанияси маҳаллийлаштириш дастурида белгиланган чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этишга ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Жумладан, компания тизимида ташкил этилган Самарқанд шаҳридаги «Integra DD» масъулияти чекланган жамиятида 10 турдаги дори ишлаб чиқаришмоқда. Бунинг натижасида юздан зиёд иш ўрни яратилди. Айтиш мумкин, маҳсулот турини кўпайтириш ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш, халқаро сифатни бошқариш тизимини жорий этиш юзасидан ишлар олиб боришмоқда.

Тадбир сўнггида компания фаолиятини янада кўпайтиришга йўналтирилган лойиҳалар ҳусусида маълумот берилди.

Мутахассислар журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

## РЕКЛАМА

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

қуйидаги объект қурилиши бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очик танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

Сурхондарё вилояти, Узун туманидаги пенсия жамғармаси учун икки қаватли маъмурий бино қурилиши.

**Объектнинг бошланғич нархи:** қушилган қиймат солиғи билан бирга – 827,012 млн.сўм, қушилган қиймат солиғисиз – 689,176 млн.сўм, қурилиш муддати – 150 кун.

**Буюртмачи:** Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

**Манзили:** Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй. Тел/факс: (0-376) 221-49-71, 221-49-80, 221-49-85.

Объектнинг қурилиш ишларини молиялаштириш – давлат бюджетли маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

2014 йил 1 июлдан бошлаб марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобида молиялаштирилган объектларда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун ўтказиладиган танлов савдоларига фақат «Қурилиш – пудрат ташкилотлари реестрига киритилган қурилиш ташкилотларининг иштирок этишларига рухсат этилади.

**Танлов савдоларида қатнашиш учун талабларга мос келишлари керак:** танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблағларнинг ёки қўрсатиб

ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик – муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлар шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари қўйла тулади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳоласида жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши қўйла тутилганда ва бунда импорт қиувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси-

нинг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан ушбу объектнинг танлов савдоларида оферталар баҳоланиб, кўрсаткичлар тенг бўлганда устуңлик кичик бизнес субъектларига берилади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўронома билан савдо ташкилотчаси - «Давлат иқтисодкорлиги» қўмитасининг Сурхондарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: **Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 36-«А» уй, Тел/факс: (0-376) 223-44-73, 223-44-78.**

**Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 100 000 сўм.**

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчасига тақдим этишининг охириги муддати – оферталар очилиши кунини ва соати.

Таклифлар (оферталар)нинг очилиши, эълонларни матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: **Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 36-«А» уйда ўтказилади.**

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

2015-йил 13-июн. Шанба  
69 (31.972)-сон

www.uzbekistonovozi.uz

3



## Чекиш кони зиён, уни ташлаш

қийинми?

Сигарет чекишнинг зарари ҳақида билмайдиган одам топишга керак. Ҳар қалай, ривожланган мамлакатларда бу борадаги тарғибот-ташвиқот ишлари доимийлик касб этган, бунинг самараси кўзга кўрина бошлагани кишини қувонтириши табиий. Бироқ дунё бўйича олиб қараганда, чекувчилар сони жуда кўплиги дилларни ранжитади. Бу эса чекишнинг зарарини тушуниб етиш шунчалар қийинмикан, деган саволга жавоб топишни анча мушкуллаштиради.



Аммо Германияда бу ҳолатнинг аксини кўриш мумкин.


Мамлакат Федерал статистика хизмати маълумотларига асосланиб «RP-Online» наشري хабар тарқатишича, ўлкада кашандалар сони йилдан-йилга камайиб бормоқда. 15 ёшдан юқори аҳолининг 74 фоизи сигарет чекмайдиганлар гуруҳига мансублиги тадқиқотларда аниқланган.

Агар бу рақамни аёллар ва эркеклар гуруҳига ажратиб таҳлил қиладиган бўлсак, эркекларнинг 70 фоизи, аёлларнинг эса 79 фоизи чекмаслиги маълум бўлади. 45 фоиз эркек ва 64 фоиз аёл умуман чекмаган, 25 фоиз эркек эса чекиш бўйича маълум «стаж»га эга бўлган, чекишни ташлаган бўлса, аёлларда бу рақам 15 фоизни ташкил этади.

Кейинги йилларда чекмайдиганлар сони ўртача 6 фоизга ортиқлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

## Эл тинчини бузиш яхши эмас...

Дарҳақиқат, ширин уйкуда ётганингизда кимдир уйингиз ёнида машина сигналини чалса, албатта, асабийлашасиз. Шу боис ҳам бундай ҳолатлар эл тинчини бузиш, дея маалакланади.





Буни Францияда юз берган воқеа ҳам тасдиқлайди.

Гап шундаки, «France Presse» ахборот агентлиги маълум қилишича, Версал апелляция суди айнан эрта тонгда жамоатчилик тинчини бузгани учун бўлочка сотувчи Пауло Пайсони 650 евро миқдорда жарима жазосига тортиди.

Пауло ҳар тунда ширин-ширин бўлочкалар пишириб, эрта тонгда Париж шимолидаги Неп-ля-Валле шаҳарчасидаги кўп қаватли уйлар аҳолисига сотиб юрган. У ўз мижозлари сонини кўпайтирмоқчи бўлиб, қўшни шаҳарча — Мерисюр-Уазга ҳам ўтган. Бироқ нотўғри иш қилганини кейин англади. Шаҳарча аҳолисининг айримлари эрта тонгда бизнинг тинчимизни бузмоқда, деб унинг устидан судга шикоят қилган. Суд эса...

■ ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСИ БИЛАН 2010 ЙИЛИ БМТ КОТИБИАТИ ВА ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ КОТИБИАТИ ЎРТАСИДА ҲАМКОРЛИК Тўғрисидаги Декларация имзоланди. УШБУ ҲУЖЖАТ МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШДА БУ ИККИ ТИЗИМНИНГ ИШТИРОКИНИ КЕНГАЙТИРИШГА Йўналтирилгандир.



■ ЎЗБЕКИСТОН ВА БМТ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ-ГУМАНИТАР СОҲАЛАРДА ҲАМ ЖАДАЛ ҲАМКОРЛИК ОЛИБ БОРМОҚДА. ЖУМЛАДАН, 1993 ЙИЛДАН 2014 ЙИЛГА ҚАДАР БМТНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АГЕНТЛИКЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА УМУМИЙ ҚИЙМАТИ 434 МИЛЛИОН АҚШ ДОЛЛАРИГА ТЕНГ 442 ЛОЙИҲА АМАЛГА ОШИРИЛДИ.

